

*Табиат ресурслари вазирлигининг  
2023 йил "1" мартағи 29 -сон  
буйругига 1-илова*

**Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлигининг  
2023 йил I-ярим йилликка мўлжалланган  
ИШ РЕЖАСИ**

Т/р	Амалга ошириладиган вазифа ва ишлар	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар	
			Вазирлик бўлинмалари	Вазир ўринbosарлари ва тизим ташкилотлари раҳбарлари
<b>I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши</b>				
1.	“Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиши чорасини кўриш.	2023 йил 15 май	Ўрмон хўжалигини стратегик ривожлантириш бўлими	О.Кудратов, Н. Бакиров
2.	Вазирлар Маҳкамасининг “Ёввойи ҳайвонларни ва ўсимликларни, уларнинг қисмларини, шунингдек, яшаш фаолияти маҳсулотларини олиб кириш ва олиб чиқиши учун рухсат этиш тартиб таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида” қарори лойиҳасини ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритиши.	2023 йил 20 июнь	Биохилмажиллик сиёсатини юритиш бўлими	Н.Обломурадов
3.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 июндаги “Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 375-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши.	2023 йил 15 июнь	Жамғармаларни бошқариш хизмати, Юридик таъминлаш ва тартибга солиши таъсирини баҳолаш бўлими	О.Қудратов

**II. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш,  
яшил ҳудуд, ўрмон ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш**

4.	“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вазирlik ва идоралар томонидан 26 млн дона күчат ва қаламчалар экилишини мувофиқлаштиришни ташкил этиш.	2023 йил март-май	“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини ташкиллаштириш ва мониторинг бошқармаси	О.Кудратов, Н.Бакиров, худудий бўлинмалар
5.	Ўрмон фонди ерларида жами 2,6 минг гектар майдонда доривор ва озуқабоп ўсимликлар маданий плантациясини ташкил этиш.	2023 йил 30 июнь	Ўрмон хўжалигини стратегик ривожлантириш бўлими	О.Кудратов, Н.Бакиров
6.	Ўрмон фондидағи фойдаланилмаётган 3,5 минг гектар ер майдонларини ўзлаштиришни ташкил этиш.	2023 йил 15 июнь	Ўрмон хўжалигини стратегик ривожлантириш бўлими	О.Кудратов, Н.Бакиров
7.	Ўрмон хўжаликлари томонидан жами 332 тонна чўл ўсимликлари ҳамда бошқа турдаги дараҳт ва буталарнинг уруғларини жамғаришни ташкил этиш.	2023 йил 20 июнь	Ўрмон хўжалигини стратегик ривожлантириш бўлими	О.Кудратов, Н.Бакиров
8.	Орол ва оролбўйи миңтақаларида 221 минг гектар “яшил қопламалар” химоя ўрмонзорлари барпо этишни ташкил этиш.	2023 йил I ярим йиллик	Ўрмон хўжалигини стратегик ривожлантириш бўлими	О.Кудратов, Н.Бакиров
9.	Сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари дала четларида атрофида 1,2 минг гектар майдонда ихота дараҳтзорларини барпо этишни ташкил этиш.	2023 йил I ярим йиллик	Ўрмон хўжалигини стратегик ривожлантириш бўлими	О.Кудратов, Н.Бакиров
10.	Орол фожиасининг олдини олишга қаратилган ўрмон-мелиоратив тадбирларни жадаллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш.	2023 йил I ярим йиллик	Ўрмон хўжалигини стратегик ривожлантириш бўлими	О.Кудратов, Н.Бакиров

**III. Ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраш, муҳофаза қилиш ва тиклаш**

11.	Ўсимлик дунёси обьектларидан маҳсус фойдаланиш бўйича 2023 йил учун квота лойиҳасини табиатдан фойдаланувчиларнинг талабномалари асосидан ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш чораларини кўриш.	2023 йил 15 июнь	Биохилмажиллик сиёсатини юритиш бўлими	Н.Обломурадов
-----	--	---------------------	--	---------------

12.	Ёввойи холда ўсувчи ўсимликларни етиштириш питомниклари ва плантациялари реестрини юритишни ташкил этиш.	2023 йил I ярим йиллик	Биохилмакиллик сиёсатини юритиш бўлими	Н.Обломурадов, худудий бўлинмалар
13.	Ёввойи холда ўсувчи ўсимликларни маданий холда кўпайтириш, етиштириш мақсадида ташкил қилинган плантациялардаги ўсимликлар ҳолатини вегетация даврида жойига чиқсан ҳолда ўрганишни ташкил этиш.	2023 йил март-июнь	Биохилмакиллик сиёсатини юритиш бўлими	Н.Обломурадов, худудий бўлинмалар
14.	Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва “Лицензия” АТ орқали келиб тушадиган аризаларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва тегишли рухсат этувчи ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш чораларини кўриш.	2023 йил I ярим йиллик	Биохилмакиллик сиёсатини юритиш бўлими	Н.Обломурадов, худудий бўлинмалар
15.	Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш (CITES) Конвенциясига киритилган ҳайвонларни Ўзбекистон Республикаси худудидан олиб чиқишга доир экспорт квота лойиҳаси шакллантиришни ташкил этиш.	2023 йил 1 июнь	Биохилмакиллик сиёсатини юритиш бўлими	Н.Обломурадов
16.	Фарғона ва Наманган вилоятларида биохилмакилликни сақлаш, табиий мажмуаларни қайта тиклаш ҳамда экотуризмни ривожлантириш чораларини кўриш.	2023 йил I ярим йиллик	Биохилмакиллик сиёсатини юритиш бўлими	Н.Обломурадов, Фарғона ва Наманган вилоятлари бошқармалари

#### **IV. Атмосфера ҳавоси, сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини асраш ва муҳофаза қилиш**

17.	Янги ишга туширилаётган ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларда ифлослантирувчи манбаларида самарадорлиги <b>99,5</b> фоиздан кам бўлмаган чанг ва газ тозалаш ускуналарини ўрнатишни ташкил қилиш.	2023 йил I ярим йиллик	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими	Ж.Казбеков, худудий бўлинмалар
18.	“2022-2023 йилларда республикадаги йирик саноат корхоналарида чанг-газларни тутиб қолиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури”га мувофиқ <b>79</b> та саноат корхоналарининг <b>211</b> та ЧГТУини тозалаш самарадорлиги оширилишини таъминлаш.	2023 йил I ярим йиллик	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими	Ж.Казбеков, худудий бўлинмалар
19.	Автотранспортларда экологик ҳавфсизликни таъминлаш		Атмосфера ҳавосини	Ж.Казбеков,

	мақсадида, республиканинг барча худудларида <b>II босқичли</b> “Тоза ҳаво” ойлигини ўтказиш чораларини кўриш: <b>I босқич</b>	2023 йил апрель-май	муҳофаза қилиш сиёсати бўлими	худудий бўлинмалар
20.	Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва “Ягона дарча” БАТ орқали келиб тушган аризаларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва тегишли рухсат этувчи ҳужжатларни тақдим этиш.	2023 йил I ярим йиллик	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими	Ж.Казбеков
21.	Давлат-хусусий шериклик асосида “Экопост” эмиссия назорат масканларини ташкил этиш чораларини кўриш.	2023 йил 15 май	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими	Ж.Казбеков
22.	Ер ости сувларини муҳофаза қилиш мақсадида устувор ифлослантирувчи манбаларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича экологик назорат тадбирларини амалга оширишни ташкил этиш.	2023 йил I ярим йиллик	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими	Н. Обломурадов, Экологик назорат инспекцияси (экополиция)
23.	Йирик дарёларни ифлосланишдан муҳофаза қилиш мақсадида ҳавзавий принцип асосида устувор ифлослантирувчи манбаларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича экологик назорат тадбирларини амалга ошириш чораларини кўриш.	2023 йил I ярим йиллик	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими	Н. Обломурадов, Экологик назорат инспекцияси (экополиция)
24.	Республикадаги 12 та кичик дарё ва сойларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари, шу жумладан соҳилбўйи полосаларини белгилаш ишларини ташкил қилиш.	2023 йил I ярим йиллик	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими	Н. Обломурадов
25.	Коммунал оқова тозалаш иншоотларининг иш самародорлигини назорат қилиш, шунингдек, ифлосланган оқоваларни чиқарувчи саноат корхоналари тармоқларини коммунал оқова тозалаш иншоотларидан узиш бўйича назорат тадбирларини амалга ошириш чорасини кўриш.	2023 йил 1 май	Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими	Н. Обломурадов, Экологик назорат инспекцияси (экополиция)
<b>V. Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш</b>				
26.	Таълим муассасалари фаолиятини мақсадли ўрганиш асосида улардаги таълим сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ва таълим ўртасидаги интеграцияни таъминлаш.		Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий етиш бўлими	Ж. Казбеков

	<p>Атроф мұхитни мухофаза қилиш соҳасида фаолият күрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази;</p> <p>Үрмөн хўжалиги техникуми;</p> <p>Тошкент гидрометеорология техникуми.</p>	<p>2023 йил 31 март</p> <p>2023 йил 15 апрель</p> <p>2023 йил 1 май</p>		
27.	Марказий Осиё Табиат ва экология университети таркибий тузилмасини хорижий тажрибани чуқур ўрганган ҳолда ишлаб чиқиши.	2023 йил 1 апрель	Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш бўлими	Ж. Казбеков
28.	Марказий Осиё Табиат ва экология университетида ташкил этиладиган таълим йўналишларини белгилаш ҳамда мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқсан ҳолда қабул квоталарни шакллантириши.	2023 йил 15 апрель	Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш бўлими	Ж. Казбеков
29.	Марказий Осиё Табиат ва экология университети ўқув меъёрий хужжатларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлашга тайёрлаш.	2023 йил 15 май	Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш бўлими	Ж. Казбеков
<b>VI. Атроф-мұхит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш</b>				
30.	Атроф табиий мұхитни кузатиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф мұхитга таъсири мониторингини амалга ошириш бўйича атроф мұхит мониторинги дастури лойиҳасини ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритиши.	2023 йил 1 июнь	Атроф-мұхит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими	Ж.Казбеков
31.	Оролбўйи худудини экологик жиҳатдан тиклаш ишларини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.	2023 йил 15 июнь	Атроф-мұхит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими,	Ж.Казбеков

			Барча таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари	
32.	Республикада ҳаво ифласланиши мониторинг тизимини такомиллаштириш доирасида <b>Нукус, Урганч, Термез, Самарқанд, Жиззах ва Гулустон</b> шаҳарларида умумий қиймати <b>1420 минг еврода</b> тенг бўлган <b>6 та</b> атмосфера ҳавоси мониторинги станцияларини ўрнатиш.	2023 йил 15 июнь	Атроф-мухит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими	Ж.Казбеков, Ш.Ҳабибуллаев
33.	Халқаро грант маблағларини жалб этган холда республика ҳудудида автоматлаштирилган метеорологик кузатувлар тармоғини амалдаги <b>77 тадан 117 тага</b> етказиш.	2023 йил 30 июнь	Атроф-мухит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими	Ж.Казбеков, Ш.Ҳабибуллаев
34.	Чўлланишга қарши курашиш ҳамда деградацияга учраган ерларни тиклаш бўйича ҳудудларга мос моделларни ишлаб чиқиши.  Ҳудудларни табиий географик шароитини ҳамда ўзига хос иқлим хусусиятларини ўрганиш.	2023 йил 15 май	Атроф-мухит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими	Ж.Казбеков, Н.Бакиров
35.	Атроф-мухитни <b>3 300 та</b> ифлослантирувчи манбаларини давлат мониторинги билан қамраб олиш	2023 йил I ярим йиллик	Атроф-мухит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими	Ж.Казбеков, Ш.Ҳабибуллаев,
<b>VII. Давлат хусусий шериклик ва инвестицияларни жалб этиши</b>				
36.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон қарорига асосан маиший чиқиндилар соҳасида давлат-хусусий шериклик		Давлат хусусий шериклик ва инвестицияларни жалб	Ж. Казбеков

	<p>лойихаларини ишга тушуриш.</p> <p>Қарақалпоғистон Республикасида – 1 та Хоразм вилоятида – 1 та</p> <p>Жиззах вилоятида – 3 та Наманган вилоятида – 1 та Сирдарё вилоятида – 1 та</p>	<p>2023 йил 31 март</p> <p>2023 йил 31 март</p>	<p>этиш бўлими</p>	
37.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон қарорига асосан майший чиқиндилар соҳасида ишга туширилган давлат-хусусий шериклик лойихаларини мониторингини амалга ошириш.</p> <p>Қарақалпоғистон Республикасида – 3 та Андижон вилоятида – 7 та Бухоро вилоятида – 5 та Жиззах вилоятида – 3 та Қашқадарё вилоятида – 14 та Навоий вилоятида – 2 та Наманган вилоятида – 6 та Самарқанд вилоятида – 5 та Сурхондарё вилоятида – 3 та Фарғона вилоятида – 9 та Тошкент вилоятида – 4 та Хоразм вилоятида – 5 та</p>	<p>2023 йил I ярим йиллик</p>	<p>Давлат хусусий шериклик ва инвестицияларни жалб этиш бўлими</p>	Ж. Казбеков
38.	<p>Корея Республикасининг “Sejin G&amp;E Co., Ltd.” компанияси иштирокидаги “Тошкент вилоятининг “Оҳангарон” ва “Майдонтол” майший чиқиндилар полигонларида ҳосил бўладиган чиқинди газини қайта ишлаш хисобига электр энергияси ишлаб чиқариш” лойиҳасини жадаллаштириш.</p>		<p>Давлат хусусий шериклик ва инвестицияларни жалб этиш бўлими</p>	Ж. Казбеков

	Имзоланган инвестиция шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши.  Электр энергияни ҳарид қилиш шартномасини имзолаш.	2023 йил 15 апрель  2023 йил 1 июнь		
<b>VIII. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ва санитар тозалаш</b>				
39.	Маиший чиқиндиларни йиғиши 100 фоизга, қайта ишлаш даражасини 21 фоиздан 50 фоизга етказиши бўйича тармоқ жадвали ва манзилли дастур лойиҳасини ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритиши.	2023 йил 15 июнь	Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бошқармаси	Н. Обломурадов
40.	Маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва биогазни қайта ишлашдан ишлаб чиқариладиган электр энергияси учун “яшил тариф” жорий этиш юзасидан меъёрий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши.	2023 йил 30 июнь	Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бошқармаси	Н. Обломурадов
41.	Маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 40 фоизга етказиши юзасидан зарурӣ чоралар кўриб бориши.	2023 йил I ярим йиллик	Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бошқармаси	Н. Обломурадов
<b>XI. Ахолининг экологик маданиятини ривожлантириш, жамоатчилик ва ОАВ билан ишларни самарадорли ташкил этиш</b>				
42.	Экофаоллар, журналист ва жамоатчилик вакиллари билан матбуот анжумани ташкил этиши.	2023 йил ҳар чорак	Ахборот хизмати	Р.Кушербаев
43.	Ахолининг экологик маданиятини янада ривожлантиришга бағишлиган видеороликлар тайёрлаш ва уни ОАВлари орқали кенг жамоатчиликка етказиши.	2023 йил I ярим йиллик	Ахборот хизмати	Р.Кушербаев
44.	“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт кўчатлари экиш ишларини кенг жамоатчиликка етказишида ОАВлари вакиллари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга кўйиши.	2023 йил I ярим йиллик	Ахборот хизмати	Р.Кушербаев
45.	22 апрель — Бутунжаҳон ер куни муносабати билан “Янги Ўзбекистон” газетасида ушбу мавзу тарғиботига оид мақола эълон қилиши.	2023 йил I ярим йиллик	Ахборот хизмати	Р.Кушербаев
46.	“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар юзасидан “Янги Ўзбекистон” газетасида мақолалар эълон қилиши.	2023 йил ҳар чорак	Ахборот хизмати	Р.Кушербаев

<b>X. Экология ва табиат ресурсларини асраш, муҳофаза қилиш ҳамда уларни қайта тиклаш борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш</b>				
47.	Оролбўйи ҳудудини экологик жиҳатдан тиклаш ишларини кенгайтириш. қўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттириш.	2023 йил I ярим йиллик	Халқаро ҳамкорлик ва грантларни жалб этиш бўлими	Ж.Казбеков
48.	Табиатни муҳофаза қилиш иттиқфоқи билан ҳамкорликда грант лойиҳасини амалга ошириш миқсадида бошлангич учрашувни ташкил этиш.	2023 йил 31 март	Халқаро ҳамкорлик ва грантларни жалб этиш бўлими	Ж.Казбеков
49.	Экология ва табиатни муҳофаза қилиш йўналишида ривожланган давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш мақсадида соҳа мутахассисларини хорижий давлатларда малака оширишга юбориш.	2023 йил I ярим йиллик	Халқаро ҳамкорлик ва грантларни жалб этиш бўлими	Ж.Казбеков
<b>XI. Ҳудудлардаги тизимли муаммоларни жойига чиқсан ҳолда ўрганиш ва масалаларни жойида ҳал этиш</b>				
50.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатини ўрганиш.	2023 йил I ярим йиллик	Ўрмон хўжалигини стратегик ривожлантириш бўлими	О.Кудратов, Н.Бакиров, “Яшил ҳудуд” ДУК, ҳудудий бўлинмалар
51.	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасида фаолият юритувчи санитар тозалаш корхоналарининг мавжуд муаммоларни ўрганиш.	2023 йил I ярим йиллик	Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бошқармаси	Н. Обломурадов, Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази, ҳудудий бўлинмалар
52.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият олиб борадиган атроф-мухитга таъсир кўрсатувчи ташкилотларнинг эколог мутахассислари билим ва малакасини ўрганиш.	2023 йил I ярим йиллик	Атроф-мухит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими	Ж.Казбеков, Ш.Ҳабибуллаев, ҳудудий бўлинмалар
<b>XII. Рақамлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва кадастрии юритиши</b>				
53.	“Яшил макон” электрон платформасини	2023 йил	Ахборот-коммуникация	О.Кудратов,

	такомиллаштириш.	май	технологияларини жорий этиш ва кадастрни юритиш бўлими	Д.Абдулаев
54.	Республика ҳудудларининг яшиллик қопламини NDVI услуги орқали аниқлаш ҳамда ушбу услугу орқали олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этиш ва электрон платформага киритиб бориши.	2023 йил 15 июнь	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва кадастрни юритиш бўлими	О.Кудратов, Б.Пўлатов
55.	1. Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисида электрон тизимини Тошкент шаҳрида синов тариқасида ишга тушириш. 2. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция йўналишида маҳсус планшетлар билан таъминлаш. 3. Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими билан ўзаро интеграция қилиш ва маълумот алмашинувини йўлга қўйиш.	2023 йил 1 июнь	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва кадастрни юритиш бўлими	О.Кудратов, Д.Абдулаев

**XIII. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг фармонлари, қарорлари, фармойишларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш**

56.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва баёнлари топшириқлари, Президент Администрацияси раҳбари топшириқлари, Ҳукумат топшириқларининг ҳамда назоратдаги хужжатлар ижроси бўйича вазирликнинг кенгайтирилган аппарат йиғилишларида муҳокамалар қилиб бориши.	ҳар ҳафта	Назорат ва ижро интизоми ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўлими	О.Кудратов, тизим ташкилотлари раҳбарлари
57.	Жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўлланган мурожаатларни кўриб чиқиши ва уларнинг вакилларини қабул қилиш, график асосида сайёр қабуллар ташкил этиши.	2023 йил I ярим йиллик	Назорат ва ижро интизоми ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўлими	О.Кудратов, тизим ташкилотлари раҳбарлари
58.	Вазирлик тизимида ижро интизоми ҳолати мурожаатларнинг кўриб чиқилиши натижаларини вазирликнинг Хайъат йиғилишида танқидий муҳокама қилиб бориши.	ҳар ой ва чорак якуни билан	Назорат ва ижро интизоми ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўлими	О.Кудратов, тизим ташкилотлари раҳбарлари

59.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 августдаги ПФ–189-сон қарори ижросини таҳлил қилиш.	2023 йил 15 март	Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бошқармаси	Н. Обломурадов
60.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 майдаги ПҚ–251-сон қарори ижросини таҳлил қилиш.	2023 йил 1 май	Биохилмакиллик сиёсатини юритиш бўлими	Н. Обломурадов
61.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги маҳсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида” 2021 йил 29 июлдаги ПҚ–5202-сон қарори бажарилиши натижадорлигини таҳлил қилиш.	2023 йил 1 июнь	Ахборот-таҳлил ва стратегик режалаштириш бўлими	О.Қудратов
62.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дараҳтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПФ–46-сон Фармони ижросини мақсадли ўрганиш.	2023 йил 15 апрель	Ўрмон хўжалигини стратегик ривожлантириш бўлими, Биохилмакиллик сиёсатини юритиш бўлими	О.Қудратов, Н.Бакиров
63.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 августдаги ПФ–189-сон Фармони ижросини мақсадли ўрганиш.	2023 йил 15 май	Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бошқармаси	Н. Обломурадов

64.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4850-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш.	2023 йил 1 июнь	Ўрмон хўжалигини стратегик ривожлантириш бўлими	О.Кудратов, Н.Бакиров
65.	Вазирлик тизимида ижро интизоми назорати ва хужжатлар алмашинувини тизимини тўлиқ электрон тизим орқали амалга оширишни ташкил этиш.	2023 йил 15 апрель	Назорат ва ижро интизоми ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўлими	О.Кудратов, тизим ташкилотлари раҳбарлари